

ЎЗБЕКИСТОН – ИТАЛИЯ: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони 28 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.



Самарқанд халқаро аэропортида Бош вазири давлатимиз раҳбари кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида бўлди.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган, дунёга машҳур Регистон майдони буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини акс эттирувчи мамлакатимизнинг асосий ташриф қоғозидир. Мажмуадаги Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасалари ўзининг улуғворлиги, бой тарихи ва бетакорор меъморчилиги билан

юртимиз меҳмонларида чуқур таассурот қолдирмоқда.

Олий мартабали меҳмонга ушбу Шарқ шаҳарсозлиги дурдонасининг қурилиш тарихи, меъморий ечимлари ва безакларининг ўзига хос жиҳатлари, ушбу маскан билан боғлиқ муҳим воқеалар ва шахслар, шунингдек, ўзбек халқининг маданий мероси ҳақида батафсил маълумот берилди.

Сўнгра давлат раҳбарлари “Silk Road Samarkand” халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик боғида бўлдилар. Халқимизнинг бой маданий мероси, ҳунармандчилик ва амалий санъатини акс эттирувчи кўргазмалар томоша қилинди. Рақс жамоаларининг чиқишларидан иборат маданий дастур намойиш этилди.

Дунё тарихчилари, шарқшунослар тилида шундай гап бор: Ғарбда — Рим,

Шарқда — Самарқанд. Бу билан икки минтақа цивилизациясида ушбу икки қадимий шаҳар қанчалик муҳим роль ўйнагани эътироф этилади. Ҳақиқатча Ўзбекистон ва Италия тарихчилари, археологлари Самарқанд ва Рим мисолида давлатлар ўртасидаги алоқалар ўтмиши билан қизиқади, бу борада тадқиқотлар олиб борилади. Жумладан, бир неча йилдан буён Ўзбекистонлик ва италиялик археологлар Самарқанд шаҳри яқинидаги Қофирқалъа археологик ёдгорлигини ўрганмоқда.

Илк ўрта асрларга оид мазкур обиди Самарқанд ҳукмдорларининг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳи бўлган. Бу ердан V-VIII асрларга оид қумуш тангалар, муҳр ва бошқа ашёлар топилган.

2023 йилда юртимизга расмий ташриф билан келган Италия Республикаси

Президенти Сержо Маттарелла мазкур қўшма экспедиция фаолияти билан танишиб, улар ишига муваффақият тилаган эди.

Бугунги кунда юртимиз олий таълим муассасалари Италия университетлари билан ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг натижасида охириги 2 йилда 100 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчиларимиз Италия олий ўқув юртларида стажировка ўтади. Ҳозир мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида 700 нафардан ортиқ талаба италян тилини ўрганмоқда. Бугунги кунга келиб икки мамлакатнинг олий таълим муассасалари 50 дан ортиқ ўзаро келишувлар асосида ҳамкорлик қилмоқда.

Яқинда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетига бўлиб ўтган давра суҳбатида икки давлатдаги ўттизга яқин олий таълим муассасалари ректорлари, вазирилик ва идоралар вакиллари иштирок этиб, ҳамкорликнинг келгуси истиқболларини муҳокама қилди. Олий таълим муассасалари, вазирилик ва идоралар ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Дарвоқе, бир неча минг йиллик тарихга эга Рим дунёнинг қадимий цивилизация марказларидан бири бўлгани боис, маданий ва сиёсий мулоқотларда “Барча йўллар Римга элтади” деган ибора пайдо бўлган. Бугун бу таърифни ер юзининг сайқали, Шарқ ва Ғарбни боғлаган қадимий кентга нисбатан қўллаб, барча йўллар Самарқандга бошлайди, деб айтсак муволаға бўлмайди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 29 май куни бўлиб ўтади.

Самарқанд шаҳридаги олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — Италия стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади. Инновацион ҳамкорлик ва гуманитар алмашинув лойиҳаларини илгари суриш диққат марказида бўлади.

Яқунда икки томонлама битимлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

ИМОМ БУХОРИЙ МАЖМУАСИ МАЪРИФАТ, ТАРБИЯ, ИБРАТ ЎЧОҒИ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 май куни Самарқандга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон оятлари тиловат қилинди.

Бутун ислом оламида Имом Бухорийнинг ҳурмати юксак, унинг мақбарасини кўриш истагидаги инсонлар кўп. Шу боис, зиёратчиларга шароитларни кенгайтириш мақсадида бу ерда янги мажмуа барпо этилмоқда.

Ташриф чоғида Президентимиз қурилишнинг боришини кўздан кечирди.

Мажмуанинг умумий майдони 44 гектар этиб кенгайтирилган. Ҳозирги кунда

мўътабар мақбара, 10 минг кишилик масжид, 4 та минора қуриб битказилган.

Янги мажмуа зиёрат билан бирга маърифат, тарбия, ибрат ўчоғи бўлади. Музей, маъмурият, меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш биноларини ўз ичига олади. Пештоқлар ва айвон деворларига “Саҳиҳи Бухорий”дан ҳадислар битилади.

Давлатимиз раҳбарига мажмуада бўлажак шароитлар ҳақида ахборот берилди. Мақбара ҳовлиси ва хиёбонларга кўпроқ дарактлар экиш зарурлиги айтилди.

ЎЗА

Элчи Пьергабриэле Пападиа де Боттини: “ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ — ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ БУРИЛИШ НУҚТАСИ”

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Бош вазири Жоржа Мелони 28-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди. “Дунё” АА муҳбири ташриф арафасида Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Пьергабриэле Пападиа де Боттини билан икки томонлама муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари хусусида суҳбатлашди.



— Элчи жаноблари, 2023 йил 7-9 июнь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Италияда бўлган эди. 2023 йил 9-11 ноябрь кунлари эса Италия Президенти Сержо Маттарелла расмий ташриф билан юртимизга келди. Салмоқли натижаларга бой ушбу ташрифлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликда янги саҳифа очди. Мазкур мулоқотларнинг мантиқий давоми сифатида бугун Италия Бош вазири Жоржа Мелонини Ўзбекистонда қарши оляпмиз. Шу нуқтага назардан, Италия Бош вазирининг ушбу ташрифидан қандай натижалар кутилмоқда?

— Тўғри таъкидладингиз, 2023 йил Италия ва Ўзбекистон икки томонлама муносабатларида ҳақиқатан муҳим воқеаларга бой ва ўта аҳамиятли йил бўлди. Ўзаро муносабатларимиз тарихида илк бор бундай фаол дипломатик алмашинув амалга оширилди. Икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик янги босқичга кўтарилди. Бугунги глобал бекарорлик шароитида бу ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Италия ва Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки бутун Осиё ва жаҳон миқёсида ҳам конструктив мулоқот ҳамда барқарорликни тарғиб этаётган муҳим шерикларга айланмоқда.

Давоми 2-бетда

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БАХТЛИ БОЛАЛИК ИНДЕКСИ

Болалигимда уйдагилар ҳамроҳлигида туман марказига борганимизда бир манзил роса ўзига чорлар эди. Алвон ленталар осилган, кўм-кўк ҳовузлар ва айвонлари безатилган, ўйинчоқлари бисёр кўркем маскан. Унда доим менга тенгдош болалар гавжум бўлар, мен эса шодон ўйнаб юрган тенгдошларимники билан ўз шароитимизни таққослар, улар билан ҳаётий тафовутимизни чамалардим. Ўша маскан, яъни болалар боғчаси менга ва кишлоқдаги тенгқурларимга аллақандай сирли ва орзули бўлиб туюларди. Сабаби ўшанда бу қабил бхтли болалар масканлари, мактабдаги таълим даргоҳлари етишмасди. Шу сабаб қашоқлардаги кўп болалар ушбу тизимдан бебаҳра қолар, бу эса ижтимоий тенгсизликни юзага келтирарди.

Давоми 2-бетда



Миллат Фидойилари

МАРДЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ, ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

6

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили

КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР УЧУН БАРҚАРОР, КАВФСИЗ ВА ФАРОВОН ДУНЁ ЯРАТИШ МАҚСАДИ

ЎЗБЕКИСТОННИ ЖАҲОНДА МУҲИМ ЭКОЛОГИК ЛОЙИҲАЛАР ТАШАББУСКОРИГА АЙЛАНТИРМОҚДА

Бу йил баҳорнинг сўнги ойи нисбатан иссиқ келди, ёғингарчилик бўлмади хисоби. Айниқса, май ўртасида кузатилган аномал иссиқ ва чанг-бўрондан ҳамма беҳаловат бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, минтақамизда май ойида бундай аномал иссиқ охириги юз йилликда деярли кузатилмаган.

Иссиқ ҳарорат ва чанг-тўзонли ҳаво фақат инсон ҳаёти ва саломатлигига эмас, барча тирик жонотлар, кишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шу боис, унинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва тармоқларга зарарини камайтириш мақсадида тегишли тизимлар фавқулодда тартибда ишлашига тўғри келди. Шу йўсинда иш ҳамжихатлик ва уюшқоқлик билан ташкил этилиши натижасида табиат инжиқлигининг таъсири тезда бартараф этилди.

Давоми 3-бетда



Элчи Пьергабриэле Пападиа де Боттини: “ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ — ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ БУРИЛИШ НУҚТАСИ”

Бошланиши 1-бетда

Бош вазир Жоржа Мелонининг Ўзбекистонга бу галги ташрифи мазкур мулоқотни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Ташрифнинг Самарқандда бўлиб ўтаётгани ҳам бежиз эмас. Рим ва Самарқанд ўз давридаги буюк давлатлар пойтахтлари бўлган. Бу тарихий боғлиқликни эслаб ўтиш нафақат фахр туйғусини, балки ўзаро илдизларни теран англаш зарурлигини англатади.

Қадимий ришталарнинг қайта жонлаётганини кузатиш шахсан мен учун жуда қувонарлидир. Ишонч билан айтмоқчиманки, ушбу ташриф Ўзбекистон — Италия муносабатларида янги бурилиш нуқтасига айланади. Ташриф доирасида қишлоқ хўжалиги, стратегик хомашёлар ва илк бор миграция соҳасидаги ҳамкорликни қамраб олган қатор муҳим икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланиши режалаштирилган.

— Ўзбекистон ва Италия ҳамкорлик муносабатларида салмоқли натижалар қайд этилмоқда, ўзаро манфаатли лойиҳалар сони ҳам ортиб борапти. Умуман олганда, ҳамкорлик динамикаси жадал тус олганини кўраёмиз. Сиз бу борада айнан қайси лойиҳа ёки ташаббусларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

— Иқтисодий ва савдо алоқалари ҳақида гап кетганда, албатта, Марко Полони эслаш ўрилли. У XIII асрда Венециядан йўлга чиқиб, Самарқанд ва Бухорогача етиб келган. У ҳеч қандай қуролсиз, хавф-хатарсиз саяҳат қилган. Бу тарихий аниқ воқеа бугунги савдо ва иқтисодий алоқаларнинг маънавий пойдеворини ташкил этади, яъни савдо доимо тинчлик ва ўзаро ҳурматга асосланади.

Шу ўринда иқтисодий ҳамкорлигимиздаги юмриқ суратларни алоҳида таъкидлар эканман, Бош вазир Жоржа Мелони ташрифи доирасида Италиянинг йиллик саноат компаниялари билан қатор келишувлар имзоланиши кўзда тутилган. Уларнинг айримлари Ўзбекистонда аллақачон фаолият юритмоқда.



Молиявий йўналишда ҳам муҳим ҳужжатлар имзоланиши кутуляпти. Айниқса, лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кредит қафолатлари тизими юзасидан ишлар олиб боришмоқда. Ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида англашув меморандумлари тайёрланяпти. Бугунги кунда Италия Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкорлари орасида 15-ўринни эгаллаб турибди. Бизнинг мақсадимиз кучли ўн-талиikka кириши.

— Қадимий Рим ҳамда бугунги Ўзбекистон ҳудуди инсоният цивилизациясининг муҳим бешикларидан бири ҳисобланади. Ўзбек ва италян халқларининг тарихий илдизлари замонавий алоқаларга қай даражада таъсир кўрсатмоқда? Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ва гуманитар алоқалар, жумладан, икки давлат учун салоҳиятли соҳа ҳисобланган туризм ва таълим борасидаги фикрларингиз ҳам биз учун қизиқ.

— Ҳа, маданий-гуманитар ҳамкорлик устувор йўналишларимиздан биридир. Яқинда Венецияда бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари ичда ягона иштирокчи — Ўзбекистон павильонини кўриш бахтига муяссар бўлдим. У Италия павильонига туташ жойлашган бўлиб, “Қуёш маркази” концепциясига асосланган. Мен Ўзбекистон павильонида экология, илм-фан ва санъат уйғунлигини кўрдим.

Академик алмашинувлар ҳам жадал ривожланмоқда. Хусусан, жорий йилда

Ўзбекистонлик 27 талаба Италияда таҳсил олиш учун грант ютди. Бу илмий мулоқотни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Қувонарлиси, Ўзбекистонлик ёшлар Италияда ўқиш ва амалий тажриба тўплаш истагини билдирапти. Биз эса Ўзбек ёшларини ҳар доим илиқ қабул қилишга тайёرمىз.

Ҳозир Ўзбекистонда техник мутахассислар тайёрлаш бўйича фаол ишланяпти, чунки бу ерда замонавий таълим тизими мавжуд. Масалан, Турин политехника университети фаолияти мисолида айтишим мумкинки, бу йил Ўзбек ёшларидан 125 нафари диплом олди ва мен уларнинг битирув маросимида шахсан иштирок этдим. “Сиз Ўзбек муҳандисисиз, бу — фахр. Шу билан бирга, сиз Италия билан ҳамкорлик йўналишида ҳам фаол иштирок этиясиз — демак, Италия ҳам сиздан фахрланади”, деган эдим диплом топириш маросимидаги нутқимда.

Италия жамияти Ўзбекистон ҳақида тобора кенгроқ тасаввурга эга бўлиб борапти. Туризм соҳасида ҳам юқори натижалар қайд этилмоқда. Айни пайтда Европа мамлакатлари орасида Ўзбекистонга энг кўп сайёҳ Италиядан келяпти. Бу икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончнинг амалий ифодасидир.

— Италия Европа Иттифоқида алоҳида ўринга эга давлатлардан бири. Хорижий экспертлар томонидан Ўзбекистоннинг ҳам Марказий Осиёдаги ўзига хос роли бот-бот таъкидланмоқда. Шу нуқтаи назардан, икки минтақада муайян матнода муҳимлик касб этаётган давлатларнинг ўзаро яқинлиги ва кўп қиррalli ҳамкорликка интилиши қай даражада аҳамиятли деб ўйлайсиз? Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида биринчи Европа Иттифоқи — Марказий Осиё саммити бўлиб ўтди. Икки қитъа ўртасидаги муносабатларда янгича ёндашувлар, шубҳасиз, манфаатли ташаббусларга йўл очади, шундай эмасми?

— Аввало, Самарқандда бўлиб ўтган саммитнинг муваффақиятли ташкил

этилгани муносабати билан Ўзбекистон раҳбариятини чин юракдан табриқлайман. Мен ушбу анжуманда шахсан иштирок этдим. Тадбир юқори ташкилий даражада бўлиб ўтди, унинг якуний баёноти мазмунан ва сиёсий янгиликлар жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Саммит, айниқса, Ўзбекистоннинг ва тўғридан тўғри Самарқанднинг минтақавий ҳамда халқаро миқёсда тутган ўрнини яна бир бор яққол намоён этди. Саммит ўтказиладиган жой сифатида Самарқанднинг танланиши раъзий ва ўринли қарор бўлди деб ҳисоблайман.

Европа Иттифоқи тажрибаси кўрсатмоқдаки, кўплаб глобал ва минтақавий масалалар фақат кўп томонлама мулоқотлар орқали ҳал этилиши мумкин. Шу боис, минтақавий ҳамкорлик формати ана шундай долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун энг қулай майдон ҳисобланади.

Масалан, сув ресурсларини бошқариш масаласини олсак. Италия бу йўналишда илгор технологиялар ва бой тажрибага эга давлатлардан бири. Сардиния оролиннинг айрим ҳудудлари Ўзбекистоннинг қатор вилоятларига геоиқлим жиҳатидан жуда ўхшаш. Демак, икки минтақада ҳам сувни тўплаш, тежаш ва оқилана бошқариш масаласи бирдек долзарб.

Италия қадимий Рим давридан бери сувни бошқариш технологияларини ривожлантириб келмоқда. Бугунги кунда ҳам Италия компаниялари ушбу соҳада жаҳон даражасидаги ечимларни таклиф қилапти. Шу боис, италян технологиялари билан Ўзбек томони имкониятларининг ўзаро уйғунлашуви, уларнинг ҳамкорлигига қўлланилиши икки томонлама шерикликни янада самарали ва натижадор қилади. Чунки икки мамлакатнинг эҳтиёжлари, имкониятлари ва мақсадлари кўп жиҳатдан ўхшаш. Шунинг учун биз бу йўналишда кучларимизни бирлаштиришимиз, технологик ва ташаббускорлик салоҳиятимизни умумий мақсадга сарфбар этишимиз лозим деб ўйлайман. Келгусида биргаликда қилинадиган ишларимиз бу каби амалий масалаларга ечим топиш орқали янада мустаҳкамланишига ишонаман.

“Дунё” АА

АКАДЕМИК АЗИМБОЙ САЪДУЛЛАЕВ

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Азимбой Саъдуллаев 2025 йил 28 май кунини 78 ёшида вафот этди.

А.Саъдуллаев 1947 йил 9 январда Хоразм вилоятининг Шовот туманида туғилди. 1969 йилда Москва давлат университетини математика мутахассислиги бўйича тамомлади. Мазкур университет аспирантурасида таҳсил олиб, дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1995 йилда ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А.Саъдуллаев ўзининг 55 йиллик меҳнат фаолияти давомида Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ўқитувчиси, доценти, кафедра мудири, факультет декани, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институти катта илмий ходими, Урганч давлат университети ректори, Хоразм Маъмур академияси раиси каби масъул лавозимларда самарали фаолият олиб борди ҳамда ўзининг юксак илмий-педагогик ва раҳбарлик салоҳиятини намоён этди.

Машҳур математик олимнинг илмий ишлари мамлакатимиз ва халқаро илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Айниқса, унинг АҚШ олимлари билан ҳамкорликда янги йўналиш бўлган комплекс потенциаллар назарияси асосини яратгани, ҳозирги кунда ушбу ишларна амалиётда кенг қўлланилаётгани фан оламида яхши маълум.



Истеъдодли олимнинг 200 дан ортиқ илмий мақолалари, 15 та монографиясида математика соҳасининг кўплаб долзарб масалалари атрофлича тадқиқ этилган.

Академик А.Саъдуллаев жонкуяр ва талабчан устоз сифатида кўплаб ёшларга таълим-тарбия берди. Унинг раҳбарлигида ўнлаб фан доктори ва фан номзодлари тайёрланди.

А.Саъдуллаев 1995-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты сифатида самарали фаолият олиб бориб, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, парламент назорати механизмларини такомиллаштиришда жонбозлик кўрсатди.

Академик А.Саъдуллаевнинг мамлакатимиз илм-фани ва таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, у 2020 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Азимбой Саъдуллаевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА,
Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ш. АЮПОВ



Айни пайтда мамлакатимиз бўйлаб маҳалла раислигига сайловлар бўлиб ўтмоқда. Жорий йилнинг май-июль ойларида ўтказилиши белгиланган жараён Навоий вилоятида ҳам изчил ташкил этилмоқда.

МАҲАЛЛА РАИСЛИГИГА МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САЙЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда маҳаллани жамият бошқарувиининг халқ қадриятларига асосланган тизими сифатида ривожлантириш учун кўплаб қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Уларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди ва бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди. Шу йил 11 февраль кунини қиритилган ўзгартишларга кўра, энди фуқаролар йиғини раислари беш йил муддатга сайланади.

Шунингдек, қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ваколати аниқлаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш билан боғлиқ ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларига ўтказилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг номи маҳаллани кўлаб-қувватлаш кенгашлари этиб ўзгартирилди.

Ушбу қонундаги ўзгартишлар ва белгиланган тартибга асосан Навоий вилоятидаги 330 та маҳалла йиғинида ушбу муҳим жараёнга пухта ҳозирлик кўрилади. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари, ишчи гуруҳлар томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилади. Маҳаллада яшовчи фаол ва ташаббускорлар орасидан фуқаролар йиғини раислигига номзодлар саралаб олинди.

Навоий шаҳридаги Ўзбекистон маҳалласи сайлов кунини ҳар доимгидан гавжум бўлди. Аҳоли келгусида маҳаллани янада обод қилиш ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона хизмат қиладиган муносиб номзодга овоз бериш учун йиғилди.

“Фуқаролар йиғини раиси сайловни тўғри-сид”ги қонунга мувофиқ, муайян ҳудудда яшовчи, сайлов ҳуқуқига эга фуқароларнинг каммида 12 фоизи учун жараёнга жалб этилиши лозим. Уларнинг учдан икки қисми овоз беришда ҳозир бўлсагина, сайлов ўтган ҳисобланади. Агар овоз берувчилар сони кам бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Ўзбекистон маҳалласида сайлов қонунчилиқда назарда тутилган тартиб асосида ташкил этилди. Дастлаб маҳалла фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган номзодлар ўз дастур ва мақсадлари билан сайловчиларни таништирди. Ободонлаштириш, ҳудудда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар бандлигини

таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳақида сўз юритди ҳамда вакиллар саволларига жавоб берди.

Албатта, номзодлардан “маҳалла етти-лиги” ҳодимларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, вазифаларини тўғри тақсимлаш, аҳоли билан ақин мулоқот ўрнатиш, ҳудуддаги муаммоларни ҳал этиш, ташаббускорлик, фидойилик, катта тажриба ва салоҳият талаб этилади.

Шундан сўнг ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра, маҳалла раислиги учун Дилноза Қурбоновага ишонч билдирилди.

— Вилоятимизда жорий йилнинг май-июль ойларида 330 та маҳаллада сайлов ўтказилиши белгиланган, — дейди Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи Ғофур Алиев. — Шу кунга қадар 171 та маҳаллада сайлов бўлиб ўтди. Сайлов жараёни учун вилоятда 29 аъзодан иборат ҳудудий комиссия, 11 та шаҳар ва туманда 207 аъзодан иборат комиссия ва 2908 аъзодан иборат ишчи гуруҳ тузилган. Сайловни адолатли, шаффоф ва қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиш учун барча шароит яратилган.

Вилоятдаги сайловни ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туманлар кўмаклашувчи комиссияларининг қарори билан фуқароларнинг вакилик нормаси ҳам белгилан берилди. Унга кўра, жорий йилги сайловларда 88 минг 231 вакил иштирок этиши кўзда тутилган.

Сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида вилоятдаги 330 та маҳаллада сайловлар ўтказиладиган сана ва вақт бўйича режа-график ишлаб чиқилган. Айни вақтга қадар режа асосида ташкил этилаётган сайлов жараёнида ишонч билдирилиб, сайланган маҳалла раислари келгусидаги фаолияти учун мақсадлини белгилан олиб, дастурларини такомиллаштиришмоқда.

Муҳими, маҳалла раислигига сайловлар қонунчилиқ асосида ҳолис ва муқобиллик таъминлири таъминланган ҳолда ўтмоқда. Фуқаролар ҳам ўз маҳалласи келажагига бепарқ бўлмай, жараёнларда фаол иштирок этиб, муносиб номзодлар сайланиши учун ўз вакилларига ишонч билдирмоқда. Ташаббускор ва катта ҳаёт таърибасига эга янги маҳалла раислари келгусида халқ фаровонлиги ва юрт равнақи йўлида фидокорона хизмат қилиши шубҳасиз.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БАХТЛИ БОЛАЛИК ИНДЕКСИ

Бошланиши 1-бетда

Ўрганиш ва таълим олиш болалар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Илмий тадқиқотлар инсон ҳаётидаги ахборот ва маълумотларнинг қарийб 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда эгаллашни тасдиқлаган. Бу мактабга таълим узлуксиз ўқитиш тизимининг асосий бўғини эканини яна бир қара исботлайди.

Билимсеварликка пойдевор қўйишда мактабга таълим жуда муҳимлиги шу йил 15 май кунини мактаб таълимини таъминдаги ислохотлар самараларининг янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди.

Айни пайтда юртимизда давлатга тегишли 7000 та ва хусусий 31 мингдан зиёд богча фаолият юритаётгани, олти ёшли болаларнинг 96 фоизи мактабга тайёрлов гуруҳларига қамраб олингани ва кейинги йили бу кўрсаткич 100 фоизга чиқиши қайд этилди. Энди илгор хорижий тажриба асосида мактабга тайёрлов гуруҳлари ва бошланғич таълим ўқув дастурлари ўзаро уйғунлашади. Бунинг учун богча болаларини математика, табиий фанлар ва технология йўналишларида танқидий ва креатив фикрлашга ўргатадиган дастурлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, богча тарбиячиларининг малакаси, маҳорати ва психологик тайёргарлигини ошириш учун касбий сертификатлаш тизими жорий этилади.

Қишлоқ болалари учун орзу бўлган мактабга таълим тизими қамрови сусти-лиги сабаб бу босқичдаги билимлардан кўп болалар бебаҳра қолар эди. Аммо кейинги йилларда мактабга таълимни анъанавий шаклда ҳам, янги инновацион усулларда ҳам ривожлантириш давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бирига айланди.

Биргина Самарқанд вилояти мисолида олсак, бугун мактабга таълим ёшидаги болаларнинг қамрови 2017 йилга нисбатан 2,5 баробар ўсиб, 74,3 фоизга етказилган. Фикримизнинг биринчи тасдиғидир. Соҳада нодавлат сектор улуши 2017 йилда 1 фоиз бўлгани ҳолда айни пайтда бу кўрсаткич қарийб 44,8 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса ҳудудларда мактабга таълим қамровини



янада ошириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ўтган даврда бир йиллик мактаб таълимига тайёрлов гуруҳларига 32 мингдан ортиқ 6 ёшли бола жалб қилиниб, қамров 40 фоиздан 95 фоизга етказилди.

Мактабга таълимнинг муқобил шакллари кенгайтириш мақсадида богча ёшларига қамрови паст бўлган олис ва чекка Нуробод, Қўшрабод, Булунгур, Каттақўрғон, Пастдарғом ва Ургут туманларида “Ақлвўй” лойиҳаси доирасида 7 та “Исузу” русумли

автобусда 40 та мобил гуруҳга 600 дан зиёд бола қамраб олинди. Шу билан бирга, бир оиладан 2 ва ундан ортиқ бола қатнаган ҳолларда 30 физгача имтиёз берилганини халқимиз катта хурсандчилик билан қабул қилди.

Шунингдек, кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда имконияти чекланган болалар учун Тойлоқ педагогика коллежи негизида “Илк ривожлантириш маркази” ташкил этилиб, уйда мактабга таълим бериш



модели жорий этилди. Вилоят бўйича “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган кам таъминланган, эҳтиёжманд оила вакилларининг 5271 фарзанди ойлик тўловдан озод қилинган.

Шу орқали ашаш ҳудуди, турмуш шароитидан қатъи назар, ҳар бир болага замонавий муҳитда ўлғайиш имконияти тақдим этилмоқда. Бу жараёнда янги турдаги богчаларда болаларнинг ёшига мос хижозлар ўрнатиляпти, ўйин ва дам олиш бурчаклари, очик спорт майдончалари ташкил қилиняпти. Бу эса боланинг фаоллиги, ижодий қобилияти ва ижтимоий қўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Муассасаларда фаолият юритаётган педагог кадрлар малакаси мунтазам оширилиб, замонавий педагогик усуллардан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия жараёни самарали йўлга қўйилмоқда. Шу билан бирга, ўқитиш жараёнида ота-оналар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган, болаларнинг ҳар томонлама соғлом ривожланишида оила билан муассаса ўртасидаги ҳамжиҳатлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда мактабга таълим тизимини такомиллаштириш йўлидаги чоратадбирлар болалар учун қулай, хавфсиз ва рағбатлантирувчи муҳит яратиб, келажак авлодининг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўлғайишга замин яратмоқда. Бу эса янги Ўзбекистондаги бахтли болалик индекси — таълим-тарбия мезонларида акс этиб, жамиятимизнинг юксак инсоний қадриятларга содиқ эканини намоён қилиб бораверади.

Шухрат НОРМУРОВОВ,
журналист



2025 йил — Атроф-муҳитни асраш
ва “яшил иқтисодиёт” йили

КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР УЧУН БАРҚАРОР, ХАВФСИЗ ВА ФАРОВОН ДУНЁ ЯРАТИШ МАҚСАДИ

ЎЗБЕКИСТОННИ ЖАҲОНДА МУҲИМ ЭКОЛОГИК ЛОЙИҲАЛАР ТАШАББУСКОРИГА АЙЛАНТИРМОҚДА



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Бирок бу ҳолат барчамизни табиат барқарорлиги йўлида яна бир қарра огоҳ, ҳушёр ва ҳамжиҳат бўлишга чорлади. Зеро, олимларнинг тасдиқлашича, бугун дунёда рўй бераётган глобал экологик муаммоларга инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат бузилиши асосий сабабдир.

Ана шундай салбий омил таъсирида сўнгги йилларда ер юзида ўрмонлар майдони кескин камаймоқда, чўлланиш кучайиб, ноёб турлар йўқолиб кетаяпти. Сув, ҳаво, тупроқ ифлосланмоқда. Глобал иқлим ўзгариши таъсирида об-ҳавода аномал ҳолатлар, тошқин, тўфон сингари табиий офатлар кўпайиб бораёпти. Буларнинг оқибати инсониятнинг ҳаёт тарзига салбий таъсир этипти. Сифатсиз сув ва озик-овқат истеъмол қилиниши натижасида касалликлар кўпаймоқда. Бундан, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — болалар ва оналар, кексалар кўпроқ жабр чекаяпти. Бунинг олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини таъминлашнинг бирдан-бир йўли табиатга муносабатимизни ўзгатириш, унинг захираларидан тўғри фойдаланишга эришишдир.

Жаҳон ҳамжамияти бу борада муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан яна бир муҳим резолюция қабул қилинди. “**Ўрмонларни барқарор бошқариш асосида ўрмонларни кўпайтириш ва қайта тиклаш бўйича ҳаракатлар декадаси**” деб номланган резолюциянинг асосий ташаббускорларидак бири Ўзбекистон бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ташаббуси билан БМТнинг ўндан зиёд резолюцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг муайян қисми бугунги кунда сайёраимиз барқарорлигини таъминлашда долзарб бўлган экологик масалаларни ҳал этишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Навбатдаги ана шундай ҳужжат асосини Президентимиз томонидан илгари сурилган Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “Яшил иқтисодиёт” йили давлат дастури, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳамда “Марказий Осиёнинг “Яшил” белбоғи” кўчат экиш акцияси ташкил этади.

Резолюция 2027-2036 йилларни бутун дунё бўйлаб ўрмонларни кўпайтириш ва қайта тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги деб эълон қилиш тўғрисидадир. Ўрмонларни кўпайтириш учун куч ва ресурсларни сафарбар этишга чақирилади. Барча давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, хусусий сектор ва илмий ҳамжамиятга ҳаракатлар ўн йиллигини тўғри амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриш тавсия этилди.

Ҳужжатни 155 та давлат делегациялари қўллаб-қувватлади. Дунёнинг барча минтақаларидаги 80 дан ортиқ мамлакат ҳаммуаллиф бўлди. Улар Ўзбекистон ташаббусини ўз вақтида ва экологик муаммоларни ҳал этишда долзарблигини инобатга олган ҳолда олқишладди.

Мутахассислар фикрича, резолюция БМТнинг иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, камбағаллик, сув танқислиги ва кўрғоқчилик каби кўплаб глобал муаммоларга экологик тоза ечим топишга қаратилган сазй-ҳаракатларига улкан ҳисса қўшади.

“Яшил тараққиёт” умуммиллий ҳаракатга айланди

Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади экологик барқарорлиқни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтишдир. Шу мақсадда 2025 йил юртимизда Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди. Давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар давом эттирилиб, юртимизда кам углеродли ривожланиш бўйича узоқ мuddатли стратегия ва “яшил” молиялаштириш миллий дастури ишлаб чиқилди. Инвестиция лойиҳаларида “яшил” компонентлар кўпайтириляпти. 2030 йилгача зарарли чиқиндиларни 35 фоиз қисқартириш ва бу мажбуриятни доимий ошириб бориш режа қилинган.

“Яшил макон” дастури доирасида шаҳарлар ҳудудларининг камида 30 фоизини кўкаламзор майдонларга айлантириш кўзда тутилган. Кишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни 100 фоиз татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар қилиняпти. Тез суръатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимизнинг энергетикага бўлган талабини тўлиқ қондириш учун “яшил” қувватлар жадал ривожлантириляпти.

Хусусан, ўтган 5 йилда энергетика соҳасига қарийб 20 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинди ва 9,6 гигаватт замонавий энергия қувватлари яратилди. Жумладан, 3,5 гигаваттли 14 та қуёш ва шамол электр станцияси ва 300 мегаваттли 2 та сақлаш тизими ишга туширилди. 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш режа қилинган.

Албатта, бугун дунёда геосиёсий тангликлар рўй бераётган, савдо уруши оқибатида иқтисодиёт инкнрози кучайиб бораётган мураккаб шароитда бундай катта-катта лойиҳаларни амалга ошириш осон бўлаётгани йўқ. Аммо глобал иқлим ўзгариши туфайли инсониятнинг эртанги тақдирига туғилаётган таҳдидларни бартараф этиш масъулияти ва мажбурияти дунё ҳамжамиятининг акралмас қисми бўлган мамлакатимиз раҳбарияти ва халқимизни жиддий ташвишга солаётгани бежиз эмас. Зеро, экология барқарорлиги келажак масаласидир. Инсониятнинг эртанги тақдири айнан шу йўналишдаги муаммолар қанчалик самарали ҳал этилиши, табиат ва инсон ўртасидаги мутаносиблик таъминланишига боғлиқ.

Президентимиз шу йил апрель ойида Самарқандда бўлиб ўтган халқаро иқлим форумида бу борадаги долзарб вазифалар хусусида яна бир қарра тўхталиб, бугунги кундаги вазифамиз келажак авлодлар барқарор, хавфсиз ва фаровон дунёда яшаш учун барча чора-тадбирларни кўришдан иборат эканини алоҳида таъкидлади. Бунинг учун мулоқотларни мустаҳкамлаш, умумий эзгу мақсадлар йўлида бирлашган барча давлатларнинг сазй-ҳаракатларини уйғунлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, дунёда барқарор ривожланишга эришиш учун ўзаро ҳамкорликнинг ўрни чексиз. Шу боис, Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилаётган халқаро ҳужжат



Юртимизда ўрмон билан қопланган майдонлар 4,1 миллион гектарга етказилади

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга онд давлат дастурида бу борада муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, ўрмон билан қопланган майдонлар 4,1 миллион гектарга етказилиши ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар 14,5 фоизгача кенгайтирилиши кўзда тутилган.

Бу масалага давлат дастури даражасида алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Зеро, ер юзининг ўпқаси ҳисобланадиган ўрмонлар ҳаёт давомийлигини таъминлаш, инсон ва бошқа тирик мавжудотлар учун зарур бўладиган тоза ҳаво, озуқа ва зарур истеъмол маҳсулотлари етиштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу боис, ушбу яшил бойлиқни асраш ва кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўрмон хўжалиги агентлиги маълумотига кўра, юртимизда янги ўрмонлар барпо этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, мавжудларини муҳофаза

— Экологик мувозанатни сақлаш ва ҳаёт давомийлигини таъминлашда ўрмонлар муҳим ўрин тутди, — дейди Ўрмон хўжалиги агентлиги Ўрмонлар барпо этиш бошқармаси бош мутахассиси, биология фанлари номзоди Ҳожимурод Толипов. — Ўрмонлар озқувий қийматга эга маҳсулотларга бой. Ўрмонларда ўсувчи ҳар бир дарахт тупроқдаги намлиқни сақлаб, емирилиш жараёнларининг олдини олади. Бир вақтнинг ўзида



бўлганган сувни атмосферага чиқаради, бу эса жазирама иссиқда салқинликни таъминлайди.

Ана шундай бебаҳо табиат бойлигини асраш устувор вазифадир. Сўнгги йилларда юртимизда бу борада муҳим ташаббуслар амалга оширилмоқда. “Яшил макон” лойиҳаси бунга

1300 гектар майдонда ниҳолхона-қўчатхоналар ташкил этилиб, 127 миллион дона ниҳол-қўчат етиштириш йўлга қўйилди. 2024 йилда “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга, ўзини ўзи бошқариш органларига жами 32 миллион туп, шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларига 1 миллион 183 минг мактабгача таълим ташкилотларига 1 миллион туп қўчат етказиб берилди. Тупроқ-иқлим шароитига мос манзарали ўрмонзорлар барпо этилди.

Ўрмонлар бунёд этиш, уларни сақлаш ва қўшимча даромад олишни йўлга қўйиш мақсадида соҳага хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда. Хусусан, Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Мазкур лойиҳа доирасида жами 205,4 миллион доллар ўзлаштирилади. Бундан ташқари, 11 та хорижий грант ҳисобидан 3 миллион 900 минг доллар жалб этилади. Натижада соҳада экспортроп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш имконияти кенгаймоқда. Буни 2024 йилда 71 минг долларлик доривор ўсимлик маҳсулотлари экспорт қилинган ҳам тасдиқлайди.

Жорий йилда давлат дастурида бу йўналишдаги ишларни янада кенгайтириш, ўрмонларни кўпайтириш борасида муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Энг аввало, “Яшил макон” ва “Менинг боғим” лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Жумладан, “Яшил макон” лойиҳаси доирасида баҳорда 125 миллион туп, кузда 75 миллион туп манзарали, мевали дарахт ва бутта қўчатни ҳамда қаламчалар экилиши мақсад қилинган. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги маълумотига кўра, жорий йил баҳорги қўчат

“**Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади экологик барқарорлиқни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтишдир. Шу мақсадда 2025 йил юртимизда Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди. Давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.**

мисол. Охириги йилларда ушбу лойиҳа доирасида баҳор ва кузда қўчат экиш ишлари тизимли йўлга қўйилмоқда. Лойиҳани умуммиллий ҳаракатга айлантириш баробарида экилган ҳар бир қўчатни асраш чоралари кўрилмақда. Бу борада ўрмончиликка ихтисослашган хўжаликларда кенг қамровли ишлар олиб борилаётир.

Аҳоли ва ташкилотларга ҳар бир минтақа иқлим шароитига мос қўчат етказиб бериш баробарида ўрмон майдонларини кенгайтириш, яшил қопламаларни кўпайтириш чоралари кўрилмақда. Ўтган йил шу мақсадда ўрмончилик ҳамда кўкаламзорлаштириш тадбирларини янада кенгайтириш учун дарахт ва буталарнинг 1050 тонна уруғи жамғарилди.

Барча ўрмон хўжаликларига тупроқ-иқлим шароитларига мос қўчат етиштириш учун

экиш мавсумида жами 136 миллион туп дарахт ва бутта қўчат экилган.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида 20 та “яшил боғ” барпо этилиши белгиланган. Бугунги кунга қадар 27 та, шундан Хоразм вилоятида 11 та, Қорақалпоғистон Республикасида 5 та, Сурхондарё вилоятида 4 та, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида 2 тадан, Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида 1 тадан “яшил боғ” барпо этилган.

Бу ишларнинг сифатли амалга оширилиши учун ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига мос қўчат етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида бу йил баҳор мавсумидан ўрмон хўжаликларида соғлом оналик плантациясини танлаш орқали йилга 1,5 минг тонна уруғ тайёрланади. Жанубий Корея тажрибаси бўйича сувсизликка чидамли, иқлим шароитига

мос ёпиқ илдизли контейнер ва in-vitro усулида 2 миллион қўчат олиш йўлга қўйилади.

Давлат дастурида белгиланган яна бир вазифа — ўрмонлар майдонини кенгайтириш борасида ҳам ишлар изчил. Жумладан, чўл, тоғли ва тоғолди ҳудудларда чўлланиш, қум қўчиши, сув ва шамол таъсирида тупроқ емирилишининг олдини олиш, экологик муҳитни яхшилаш мақсадида ихота дарахтзорлар барпо этилади. Дарахт ва буталар уруғи, доривор ва озик-овқат ўсимликлар хомашёси тайёрланади. Ўрмон хўжаликларида 123 миллион туп ниҳол ва қўчат етиштирилади. Ўрмон хўжаликлари тизимида фойдаланилмай турган 7 минг гектар ер ўзлаштирилади.

Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Наманган вилоятларидаги бир қатор туманларда тоғ ва адир қияликларига 480 гектар ерда терасса усулида тупроқ-иқлим шароитига мос қўчатлар экилади. 18 та давлат ўрмон хўжалиги қўчат етиштиришга ихтисослаштирилади. Шунингдек, бу йўналишда “илм — лойиҳа — амалиёт” занжиринида генетик селекция ишлари кучайтирилади.

Юксак экологик маданият табиатни эъзозлашга хизмат қилади

Бугунги кунда юртимизда экологик лойиҳалар кўлами тобора кенгаймоқда. Барча жаҳонларда табиий ресурсларни тежашга хизмат қиладиган усул ва восталар жорий этиляпти. Миллий қадриятларимизга мос равишда дарахт экиш, боғ яратиш ҳаётимизга чуқур сингиб бормоқда.

Аммо ана шундай яхши ишларимизга соя солаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, дарахт кесиш ишлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлишига қарамай, ҳамон яшил бойлигимиз ноқонуний кесиб кетилаяпти. Таққиланган ҳайвонларни овлаш, жониворларга озор етказиш, чиқиндини белгиланмаган жойга ташлаб кетиш, сувни ифлослантириш каби ҳолатлар ҳақида матбуот ва ижтимоий тармоқлар бот-бот бонг уради.

Албатта, бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида тегилли тузилмалар қонуний чораларни кўради. Аммо табиатга муносабатимизда меҳр ва муҳаббат туйғуси дилимизда жўш урмас экан, уни асраб-авайлашда кутилган натижага эришиш қийин. Шу боис, юртимиздаги экологик лойиҳалар жараёнида аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик билим ва дунёқарашини ошириш, табиатни асрашни ҳар бир инсоннинг қундалик ишига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 15 майда қабул қилинган “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиши шубҳасиз. Қарорга мувофиқ, 2030 йилда бу йўналишда қатор кўрсаткичларга эришиш белгиланди. Жумладан, мактабгача таълим ташкилотларининг 3,3 миллион тарбияланувчисига экологик маданиятни шакллантириш, умумий ўрта таълим тизими ташкилотларининг 4,2 миллион ўқувчисига экологик таълим-тарбиянинг мустаҳкамланиши, экологик маданиятнинг юксалишига эришиш кўзда тутилган.

Қарор билан 2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси тасдиқланди. Концепция 2027 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар 2 йил мuddатга тасдиқланадиган алоҳида “йўл харитаси” асосида bosқич-ма-босқич амалга оширилади. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг экологик билимини оширишга қаратилган бепул ўқув курслари ташкил этилади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланди.

Шу билан бирга, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Янги дарахт — янги нафас” республика экотемионати, ҳар ойда 1 мартаба “Маҳаллани чиқиндидан холи ҳудудга айлантирамиз” шиори ostида акциялар, ташвиқот тадбирлари ўтказилади. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари талабалари томонидан Ўзбекистон экволонтер талабалари ҳаракати ташкил этилади.

Табиийки, бу чора-тадбирлар ва эзгу мақсадга йўналтирилган лойиҳалар табиатни эъзозлаш, унинг ҳар бир неъматидан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилгани билан аҳамиятди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, табиатни асраш бу — инсонни, келажакни асраш демекдир.



Бугуннинг гапи

ТОШКЕНТ МОЗАИКАЛАРИ

ШАҲАРГА МОНУМЕНТАЛ САНЪАТ НАМУНАЛАРИ ҚАЙТАРИЛМОҚДА



Инсон бирор хайрли ташаббус ҳақида эшитганида алланечук қувонади. Агар бу ташаббус турмуш тарзингиз билан бевосита боғлиқ бўлса, янада ёқимли. Шундай ташаббуслардан бири — пойтахтимиздаги ўз қиёфасини йўқотган мозаикаларни қайта тиклаш лойиҳаси ҳақида эшитганимда, аввалига бир оз англолмадим. Кейинроқ болалигимда амманнинг уйига меҳмонга борганим, улар яшайдиган кўп қаватли бино девори мозаикалар билан безатилгани ҳаёлимдан ўта бошлади. Қизиги, ўша вақтлари шаҳарда бундай тасвирларга кўп бор кўзим тушарди. Охириги йилларда Тошкент шаҳрида юзлаб янги, замонавий турар жой қурилиб, атрофда эскилари деярли кўзга ташланмай қолгани учунми, мозаикали тасвирлар ҳақида унутиб юборган эканман.

Аммо бу уларнинг йўқолиб кетганини аңлатмайди. Масалан, метро бекатларидаги мозаикаларга деярли ҳар куни кўзимиз тушади. Анча йиллар олдин қурилган кўп қаватли уйлар фасадларидаги мозаик тасвирлар ҳам ҳалигача сақланиб турибди. Уларнинг аксари оддий тасвирлар сифатида одамлар ёдидан чиққанига қарамай, ушбу санъат асарларига меъморий гўзаллик сифатида қаровчилар бор. Йиллар давомида ўнлаб мозаикалар юзаси реклама баннерлари билан берkitиб қўйилгани, айримларининг устига бўёқ тортилгани аҳоли, хусусан, кенг жамоатчилик феолали эътиборидан четда қолмагани бунинг исботи. Улар ўз норозиликлари билан мозаикаларни қайта тиклашни сўради.

Шу тарика кейинги икки йилдан буён Тошкент мозаикаларини сақлаб қолиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2023 йилдаёқ ташаббускорлар ҳаракати билан уйларнинг 200 дан ортиқ мозаикали фасадидан реклама баннерлари олиб ташланиб, 157 та мозаика маданий мерос рўйхатига киритилган.

Хайрли ташаббус ҳақида чуқурроқ билганим сари лойиҳа шаҳарнинг ўзига хос меъморий меросини асрашга қаратилгани билан мени янада қизиқтириб қўйди. Яқиндагина амалга оширилган яна бир ҳаракат бунинг мисоли. Гап шундаки, лойиҳа доирасида Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур ва Учтепа туманларидаги турар жойлар фасадларидаги учта ноёб мозаика юзаси бўёқдан тозаланиб, яна жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Мазкур мозаик тасвирлар 1970 йил ўрталарида расом Николай Жарский томонидан яратилган бўлиб, 2021 йилда фасадни таъмирлаш сабаб қиёфасини йўқотган. Уларнинг юзасига суртилган бўёқ мутахассислар назорати остида ва қатъий тавсияларга риоя этган ҳолда эҳтиёткорлик билан тозаланди.

— Бўёқ остида қолган мозаикаларни тиклаш шаҳарнинг визуал тарихи, ўтган давр, инсонлар ва гоьлар билан боғлиқ хотираларни қайтаришдир, — дейди “Tashkent Mosaics” лойиҳаси илмий раҳбари Фотима Абдураҳмонова. — Булар шунчаки тасвирлар эмас, балки йиллар давомида Тошкентнинг бебаҳо мероси ва фахрига айланган, пойтахт визуал қиёфасининг бир қисми ҳисобланади. Афсуски, сўнгги йилларда уларнинг айримлари бўёқ остида қолган. Бу, албатта, атай қилинмаган, шунчаки архитектура меросини

Ярим асрдан кўпроқ вақт...

Тошкент шаҳри Ўзбекистон пойтахтига айланганидан буён салкам бир аср ўтди. Бу кўхна ва азиям шаҳар қадимдан ўзига хос қиёфаси билан ажралиб турган. Ушбу манзилга бир келган инсон унга меҳр қўяди-ю, сабабини изохдай олмайдди. Шаҳарнинг нимасидир, қандайдир охарабоси ўзига чорлайверади. Тошкентга берилган “тинчлик шаҳри”, “нон шаҳри”, “дўстлик шаҳри” каби эътирофлар эса пойтахтнинг азалдан меҳмонлар учун очик бўлгани тимсолидир.

Бугун Тошкент шаҳри жадал ривожланаётган пойтахтлар қаторида. У нафақат мамлакатнинг иқтисодий, иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази, балки Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳар ҳамдир. Кейинги йилларда пойтахт қиёфаси тубдан янгиланиб борапти, баланд бино ва турар жой мажмуалари, кўнгличор манзиллар, савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари, дам олиш майдонлари сони бир неча баробар ошган. Шу билан бирга, шаҳарнинг ўзига хос маданий ва меъморий ёдгорликларини сақлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент мозаикалари шулар жумласидан.

Бу мозаикалар ўзи қачон пайдо бўлгани кўпчилик қатори менга ҳам қизиқ. Қўринишидан тарихи анча йилларга бориб тақалиш турган гап. Уларнинг яратилиши ҳам ўша вақтдаги бирор маданий ҳодиса билан боғлиқ бўлса керак деб ўйладим. Тахминим ҳақиқатга яқин бўлиб чиқди. Чиндан ҳам Тошкентдаги мозаикалар катта бир воқеали сабаб яратилган экан. Яъни улар 1966 йили Тошкент эзилмасидан кейин бошланган



“Бугун Тошкент шаҳрида ана шундай ўзига хос руҳни акс эттириб турган 480 дан ортиқ мозаик панно мавжуд. Шундан 400 таси турар жой бинолари фасадида. Тошкент мозаикаларини сақлаб қолиш лойиҳаси доирасида уларни ўрганиш, каталогини яратиш давом этяпти. Мухим жиҳати, Тошкентнинг дунёдаги “Энг кўп мозаикаларга эга шаҳар” сифатида тан олинishi учун Гиннесснинг рекордлар китоби комиссиясига ариза бериш режалаштирилган.

кенг қамровли қайта қуриш жараёнларида пайдо бўлган.

Маълумотларга кўра, тарихга муҳрланган бу кучли зилзила оқибатида 300 мингдан ортиқ одам уйсиз қолади, 2236 та маъмурий бино, 700 га яқин савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси, шунингдек, мингга яқин бошқа бинолар зарар кўради. Талафотнинг кўлами оз эмас, кичик таъмирлашлар билан иш битмасди. Шу боис, шаҳарда қайта қуриш бошланди. Бир вақтнинг ўзига юзлаб бинолар қурилиши кераклиги сабабли уларни умумий гоь остида яратиш осонроқ бўлган. Меъморлар биноларнинг ўзига хослигига алоҳида эътибор қаратади. Мозаикалар ўрнатиш гоьси ҳам шунинг бир қисми эди.

Мозаика французчада бир хил турдаги ёки тош, ёғоч, мрамар, металл каби турли хомашё бўлакларида ишланган тасвир, нақш маъносини аңлатади. У монументал безак санъатининг асосий турларидан бири бўлиб, одатда бинолар фасадида териб чиқилади. Тошкентдаги илк мозаик панно Мўқимий кўчасидаги 9 қаватли уйларнинг бирида яратилган экан. Мозаикаларни ўрнатиш техник жиҳатдан қийинчилик туғдирмаган. Панеллар дастлаб пастда тайёрланиб, кейин деворларга ўрнатилган.

Мозаикалар зилзиладан кейинги шаҳар ҳаётига ўзига хос ижобий руҳ олиб кирган. Уларнинг яратилиши, бир томондан, шаҳарга замонавий қиёфа бериш, бошқа томондан эса меҳнат, халқлар дўстлиги, тинчлик ва илм-фан ривожини каби гоьларни тарғиб қилишга қаратилган. Тасвирларда миллий нақшлар ва мотивларга мурожаат қилиш ҳолатлари устуңлик қилади ва бу Тошкентнинг кўп миллатли

ҳамда бой тарихий-маданий қиёфасини акс эттирган. Асосан, севи ва жасорат ҳақидаги фольклор асарлар қаҳрамонлари, миллий либослар, урф-одатлар, таомлар ва чогуь асбоблари, маҳаллий аҳоли тасвирланган.

Тошкент — “мозаикалар шаҳри”

Демак, Тошкентдаги мозаик панноларнинг яратилганига ярим асрдан кўпроқ вақт

бўлди. Бу давр ичиди таъмирталаб ҳолга келганлари, бузиб ташланганлари ҳам бор. Шунга қарамай, ушбу санъат асарларининг ўтган йиллар давомида асл холини йўқотмасдан сақланиб қолгани, мустаҳкамлиги сири кишини ҳайратга солади.

— Бунинг ортида мозаикаларни яратишдаги юқори маҳорат ва сифатли материаллардан фойдаланилгани ётади, — дейди Фотима Абдураҳмонова. — Мозаик паннолар кўлда терилган бўлиб, юқори ҳароратда пиширилган мустаҳкам керамик плиткалар



ишлатилган. Бу материаллар намлик, қуёш нури, ҳарорат ўзариши ва механик зарбаларга анча чидамли. Плиткаларни ёпиштиришда ҳам мустаҳкам моддалардан фойдаланилган. Буларнинг бари ўша даврда қатъий амал қилинган қурилиш нормалари, сифат талаблари асосида бажарилган. Асосийси, мозаиканинг ўзи ҳам мустаҳкам, узоқ йиллар чидайдиган монумент санъат тури ҳисобланади. Бўёқ билан қиёслганда, мозаика деворга қаттиқ ёпишади, рангсизланмайди, ёрилмайди ва ўнлаб йиллар давомида ажралиб тушмайди. Ҳатто мунтазам парваришсиз ҳам узоқ вақтгача сақланади. Бинони тўлиқ таъмирлаш унинг сифатига зиён етказма олмайдди.

Мозаикалар эстетик ва маданий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга, қадриятга эга. Улар шаҳар тарихининг визуал ёзуви, замон руҳи ва санъат тилини акс эттиради. Тошкент мозаикалари аллақачон шаҳарнинг ўзига хослигига айланган. Шу боис, унинг ўрнини янги ва замонавий расмлар, рангтасвир намуналари билан алмаштириш ҳақида ўйланмапти. Аксинча, маҳаллий аҳолининг ўзи мозаикаларни сақлаб қолиш тарафдори ва бошқаларни ҳам ушбу ташаббусга чақирмоқда.

Бу тасвирлар амалий жиҳатдан фойдали хусусиятларга эга эканини кўпчилик билмас керак. Мутахассисларнинг айтишича, мозаик плиткалар ялтироқ юзаси туфайли қуёш нурларини қайтариб, иссиқ ҳавода деворларнинг қизиб кетишини камайтиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, плиткalar бетон каби намликни ўзига шимиб олмагани боис, бинони чириши, моғор пайдо бўлишдан ҳимоялайди. Шу жиҳатларига кўра, мозаикалар нафақат шаҳар учун алоҳида безак, балки экологик жиҳатдан оқилона ечим ҳисобланади.

Уларни асрашда оригиналликни сақлаб қолиш, асл холига зарар етказмаслик янада муҳимроқ. Шу боис, панноларни бўёқлардан тозалаш жараёни реставрация мутахассислари назорати остида, зарур ҳолларда санъатшунослар ва архитекторлар иштирокида бажарилди. Тозалаш ишларида енгил усуллар қўлланилди.

— Бу усуллар аввал бошқа жойда синовдан ўтказилиб, хавфсиз экани аниқлангачина мозаикаларни тозалашда фойдаланилди, — дея тушунтирди Фотима Абдураҳмонова. — Баян мозаикалар шунчалик шикастланидими, уни оддий тозалаш билан тиклаб бўлмайди. Масалан, плиткalarнинг бир қисми йўқолган, ёпиштирувчи асос кучли зарарланган, агрессив бўёқ қопламаси ёки намлик, қуёш ва вақт таъсири кузатилган бўлиши мумкин. Шундай ҳолларда бир қанча усуллардан фойдаланилади. Агар элементларнинг айримлари йўқолган бўлса, уларнинг ўрнини ранг, шакл ва текстураси имкон қадар оригиналгача яқин плиткалар билан тиклаш мумкин. Борди-ю мозаиканинг катта қисми зарарланган бўлса, янада кўпроқ шикаст етмаслиги учун сақлаш чоралари кўрилади. Ўта оғир ҳолатларда эса архив фотосуратлари мажбур бўлса, нусха кўчирилди ва ҳоказо.

Асосийси, бу ишларнинг бари мутахассислар иштирокида бажарилади. Чунки нафақат тасвирни, балки у яратилган давр руҳини ҳам сақлаш керак. Бугун Тошкент шаҳрида ана шундай ўзига хос руҳни акс эттириб турган 480 дан ортиқ мозаик панно мавжуд. Шундан 400 таси турар жой бинолари фасадида. Тошкент мозаикаларини сақлаб қолиш лойиҳаси доирасида уларни ўрганиш, каталогини яратиш давом этяпти. Мухим жиҳати, Тошкентнинг дунёдаги “Энг кўп мозаикаларга эга шаҳар” сифатида тан олинishi учун Гиннесснинг рекордлар китоби комиссиясига ариза бериш режалаштирилган.

Очиги, бу кўпчилик учун янгилик. Боиси, пойтахтда юзлаб мозаикалар борлигига унчалик ҳам эътибор бермаганимиз рост. Уларни сақлашга ва янгидан тақдим этишга қаратилган ҳаракатлар эса одамларни шаҳарнинг визуал қиёфасидаги ранг-баранглиқдан завқланишга чорлайди. Яқин йилларда эса Тошкентга бериладиган таърифлар қаторига “Мозаикалар шаҳри” ҳам қўшилса, ажаб эмас.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ НИМА БЕРАДИ?

Мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳит яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлса-да, давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқ ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтиш кечикаётгани ҳам бор гап.



Фармон ва ижро

Бу эса янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илгор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилиб, янги иш ўринлари яратишга тўққилик қилади.

Жорий йил 21 апрелда Президентимизнинг “2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли 115 та жамият устав капиталлидаги улушлар, 659 та кўчмас мулк объекти ва 6,1 минг гектар ер участкалари савдога чиқарилади. 2030 йил 1 январгача давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этишга мораторий жорий қилинади.

Республикамиз бўйича 2025 йилда хусусийлаштиришнинг асосий мақсади кўрсаткичлари этиб 30 триллион сўмлик давлат активлари ва ер участкаларини сотиш ва камида 10 триллион сўм тушумини таъминлаш кўзда тутилган. Дастлабки босқичда камида 30 та фойдали қазилма кони ва участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи савдога чиқариладиган бўлди.

Сурхондарё вилоятида ҳам 2025 йилда мулк ҳуқуқи асосида умумий 480 гектар 4 со-

тих ер майдони ва ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларга чиқариш мақсад қилинган.

Биринчи чорақда 73,3 гектар, иккинчи чорақда 122,2 гектар ва учинчи чорақда 150,6 гектар, тўртинчи чорақда 134,3 гектар ерни аукционга қўйиш кўзланипти.

— Сурхондарё вилоятида ҳозирги кунда 51 та объект оммавий савдога қўйилган. Айни пайтда баҳолаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, вилоятда давлат корхона ва ташкилотларининг 1-қават бинолари хатловдан ўтказилганида 17 та ташкилотнинг 103 та хонаси бўш экани аниқланди. Улардан самарали фойдаланиш юзасидан зарур тақлифлар берилди, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Алишер Авазов. — Шу билан бирга, вилоятдаги 37 та бозор хатловдан ўтказилди. Натижада мавжуд 3 та бозорни хусусийлаштириш борасида тақлифлар берилди.

Хусусийлаштириш соҳасидаги кафолатлар ва қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилаётгани тадбиркор учун, айниқса, фойдали. Чунки давлат улушига эга корхона



рақобатни ўйламайди, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш суст кечади.

Агар шу корхона хусусий секторга берилса, тадбиркор иложи борица кўпроқ фойда олиш учун ҳаракат қилади. Натижада корхоналар ўртасида соғлом рақобат юзага келади. Тадбиркор ишлаб чиқариш

“

Сурхондарё вилояти ер ости қазилмаларига бой. Бу маъданларга ташқи бозорда ҳамisha талаб катта. Президентимиз фармони асосида Сурхондарёда ҳам 2025 йилда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун фойдаланиш ҳуқуқи электрон онлайн аукцион савдоларга чиқарилади.

қувватини янада ошириш ва маҳсулот турини кенгайтиришни ўйлайди. Қараб-сизки, ярим имконияти даражасида ишлайётган корхона тўлиқ қувватда ишлайди, ишчи ўрни кўпаяди ва давлатга бундан анча фойда тушади.

— 2025 йилда 6100 гектар ер савдога чиқарилиши белгиланган. Манзилли рўйхат шакллантирилган. Хусусийлаштиришни

янада осонлаштириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, 6 ойгача тақлиф бўлмаган жараёнда иморатлар нарҳини 50 фоиз камайтириш белгиланган. Ягона тақлиф эгаси бўлган вазиятда ижара шартномаси тузиш ишлари олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси фуқароларнинг қонуний ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, шарт-шароит яратишга хизмат

қилади, — дейди “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш” АЖ Сурхондарё вилояти вакили Лутфулла Ғойибов. — Давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида электрон онлайн аукцион савдо иштирокчилари учун тенг шароитлар яратилади. Жумладан, майдони 10 минг квадрат метргача бўлган давлат мулки объектлари юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқарадиган тадбиркорларга 5 йил муддатга текин фойдаланишга берилади. Шартнома шартлари бажарилган тақдирда эса ушбу тадбиркорларга баҳоланган қийматда тўғридан тўғри сотилиши мумкин.

Сурхондарё вилояти ер ости қазилмаларига бой. Бу маъданларга ташқи бозорда ҳамisha талаб катта. Президентимиз фармони асосида Сурхондарёда ҳам 2025 йилда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун фойдаланиш ҳуқуқи электрон онлайн аукцион савдоларга чиқарилади.

Сариосиё туманидаги Байрам-1, Ёнғокли ва Қорақон ҳудудларида олтин, қумуш, кўрғошин ва рух каби табиий захиралар мўл-кўл. Бу қонларнинг хусусийлаштирилиши вилоятнинг қон ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Мухими, ҳудудлар иқтисодий жиҳатдан янада ўсади ва ишсиз 2 минг фуқаронинг бандлиги таъминланиши мақсад қилинапти. Бунинг натижасида йилига 600 миллион долларлик тайёр маҳсулотларни хориқга экспорт қилиш истиқболлари очилади.

Мазкур қонлар негизиди фақат хомашё эмас, балки тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича режалар мавжуд. Бу қонларга 320 миллион долларга тенг маҳаллий ва хорижий инвестиция жалб қилиш мўлжалланипти.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Юксалиш палласи

“Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди”. Немис файласуфи Гётеннинг ушбу ҳикматли сўзини таълим-тарбия ва ўзлиқнинг тажассуми дейиш мумкин. Дарҳақиқат, ўзлигини танимоқчи бўлган ҳар қандай жамият борки, шубҳасиз, унинг илк мурожаати заковат оламига қаратилган бўлади.

Ўзлик фақатгина ўзимизнинг ким эканимизни англаш эмас, балки эртанги кунга ишончимизнинг қай даражада мустаҳкамлиги ҳамдир. Қувонарлиси, биз бутун ўзлигининг ҳимоячиси бўлган ҳамда ёрқин келажақ пойдеворини илм-маърифат ва қатъият билан бунёд этаётган жамиятлар сафидамиз.

Эришилаётган натижалар замирида эса, шубҳасиз, давлатимиз томонидан таълим-тарбия соҳасига қаратилаётган юксак эътибор турибди. Зотан, юқорида айтганимиз юксак мақсадларни мукаммал таълим-тарбия тизимисиз ууддалаш имкони йўқ.

Жорий йил 15 май куни Президентимиз раислигида мактаб таълими юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар амалга оширилаётган ишларнинг тахлилий сарҳисоби, шунингдек, келгусидаги ҳаракатлар учун ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтайди.

Давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли ва ватанпарвар авлодни вояга етказиш энг асосий вазифалардан бири эканига алоҳида урғу берди. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳар қандай юртнинг эртанги куни унинг ёшлари қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқлиги кундек равшан. Сўнгги етти йил ичида мактаб-гача ва мактаб таълимига йўналтирилаётган маблагнинг миқдори етти баробар ошгани, бу йил эса 60 триллион сўмга етаётгани шунчаки рақамлар эмас, балки соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Мактабларда миллионга яқин, боғчаларда эса бир ярим миллион янги ўрин яратилиши, боғча ёшидаги болалар қамрови уч қарра кенгайиб, 78 фоизга етгани ҳам бунинг аққол тасдиқлайди.

Бироқ эришилган ютуқлар билан бир қаторда тизимда ўз ечимини қутаётган масалалар борлиги ҳам сир эмас. Таълим дастурларини дунёнинг энг илгор тажрибалари асосида янгилаш, замонавий дарсликлар яратиш, мактабларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Лекин ўқитувчилар янгича ишлаш услубларини қай даражада ўзлаштириётгани, бу эса, ўз навбатида, таълим сифатига қандай таъсир кўрсатаётгани каби саволлар кун тартибидеа турибди.

Ўқитувчи — ислохотларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи

Муаллимларнинг малакаси, тили билиши, ўқувчиларни болаҳалининг янгича тизими каби жиҳатларини инобатга олиб, уларга ўндан ортиқ турдаги устама жорий қилинган яхши янгиллик. Натижада 60 минг ўқитувчи бугунги кунда 8 миллион сўмдан 12 миллион сўмгача ойлик маош олмақда. Боғча тарбиячилари маошлари ҳам 65 фоиз оширилиб, мактаб ўқитувчилариники билан тенглаштирилгани, янги ўқув йилдан бошлаб эса мактаб раҳбарлари ва боғча мудириларининг ойликлари 7-10 миллион сўмдан ортиси ҳам уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Шу билан бирга, икки йил аввал ўқитувчиларга тоифа беришнинг шартлари ва рақамлаштирилган тизимига ўтилиши соҳадати ҳақиқий аҳволни кўрсатиб берди. Утган йили 341 минг ўқитувчи янги тизим бўйича имтиҳон топширган бўлса, уларнинг 102 минг нафари, афсуски, бу синовдан ўта олмаган. Ушбу ҳолат, албатта, чуқур таҳлилни ва тегишли хулосалар чиқаришни тақозо этади. Эҳтимом, бу узоқ йиллар давомида шаклланган айрим ёндашувларнинг бугунги кун талабларига жавоб бераётганидан далолатдир. Ишга қабул қилишда эндиликда дипломга эмас, балки номзоднинг билим ва малакасига эътибор қаратилаётгани ҳамда бу янги тизим орқали синовдан ўтган 13 минг номзоддан 6 мингнинг билими етарли деб топилмагани ҳам педагог кадрлар тайёр-

лаш тизимини жиддий қайта қўриб чиқиш зарурлигидан дарак беради.

Айниқса, 61 та хусусий олий таълим муассасасида педагоглар тайёрланаётган бўлса-да, уларнинг бирортасида кимё, биология, физика каби аниқ фанлар бўйича ўқитувчилар етиштирилаётгани йўналтириладиган масала. Ахир бу фанларсиз замонавий технологиялар ривожини тасаввур қилиб бўладими?

Демак, ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириб бориш, энг сўнгги таълим методикалари, рақамли воситалар билан ишлашга ўргатиш, ижодий ва тахлилий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган янгича тизимни йўлга қўйиш долзарб. Бунда ҳар бир ўқитувчининг эҳтиёжларини ҳисобга оладиган, кўпроқ амалиётга таянадиган ва натижага йўналтирилган дастурлар керак.

Замонавий дунёда навқирон авлод тарбияси — эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган масала

Йиғилишда кўтарилган яна бир ўта жиддий масала юқори синф ўқувчиларининг кунига саккиз соатгача вақтини мобил телефон ва ижтимоий тармоқларда ўтказиб қўлади. Бу ҳолат нафақат ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятини, балки ҳар бир ота-онани ҳам жиддий ташвишга солиши лозим. Телефон ва интернет, шубҳасиз, бугунги кунда билим олиш, дунёни билиш учун катта имконият. Аммо ундан меъридан ортиқ ва мақсадсиз фойдаланиш ўқувчининг дарсга қизиқишини камайтириши, соғлиги ва руҳиятига салбий таъсир ўтказиши, ҳаётий жонли мулоқотлардан узоқлаштириши мумкин.

Бу муаммони фақат тақиқлаш билан ҳал этиб бўлмайди. Энг аввало, ота-оналарнинг ўзи фарзандларига намуна бўлиши, улар



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

МАКТАБ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ МАРРАЛАР

Ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириб бориш, энг сўнгги таълим методикалари, рақамли воситалар билан ишлашга ўргатиш, ижодий ва тахлилий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган янгича тизимни йўлга қўйиш долзарб. Бунда ҳар бир ўқитувчининг эҳтиёжларини ҳисобга оладиган, кўпроқ амалиётга таянадиган ва натижага йўналтирилган дастурлар керак.

ташқари таълимни ривожлантириш, болалар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун қизиқarli тўғараклар фаолиятини янада кучайтириш керак.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда Наманганда ўқувчиларга автомобилни ижарага бериш авж олгани оқибатида ҳар ойда 10-15 ёш мажруҳ бўлиб қолаётгани, ўлим билан тугаётган ҳолатлар ҳам кўпчилигини қайд этди.

Ички ишлар идоралари бошлиқлари, вилоят, туман прокурорлари қонун устуворлигини таъминлашда сусткашликка йўл қўяётганини таъкидлади. Президентимиз томонидан болаларга машина бошқаришни берганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш



билан кўпроқ суҳбатлашиши, китоб ўқишга, спортга, санъатга қизиқириши лозим. Мактабларда эса рақамли саводхонлик дарслари орқали ўқувчиларга интернетдан тўғри фойдаланишни, керакли маълумотни топишни, турли салбий таъсирлардан сақланишни ўргатиш муҳим. Шу билан бирга, мактабдан

бўйича қонун лойиҳасини тайёрлаш топшириги берилди. Дарҳақиқат, ўсмирларнинг хатти-ҳаракатини назорат қилиб туриш, уларга тўғри йўл кўрсатиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки бутун жамиятимиз, ҳар бир оиланинг вазифаси бўлиши аини мудоао.

“Фавқуллодда тўқсон кунлик”: ҳаракатларни жадаллаштириш ечими

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида “фавқуллодда тўқсон кунлик” иш тартиби эълон қилиниши соҳадати муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш, ислохотларни жадаллаштириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган қатъий талабдир. Хўш, бу мўддатда нималарга эришиш мумкин? Аввало, бундан кўзланган асосий мақсад мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, иш услубларини самарадорликка асосланган тарзда ташкил этиш, тизимдаги ҳар бир ҳодимнинг масъулиятини кучайтириш ҳамда аниқ натижаларга эришиш салоҳиятини оширишдир.

Боғчалар сони ортиб, 7 мингта давлат ва 31 мингдан зиёд хусусий боғча ишлаб тургани, улардаги болалар қамрови 2,3 миллионга етгани қувонарли. Аммо Президентимиз таъкидлаганидек, “Қамров ошди, лекин сифат бўйича қиладиган ишларимиз кўп. Боғчалар нафақат тарбия, балки болада таълим олиш учун илк кўникмаларни шакллантирадиган масканга айланиши керак”. Жуда ўринли фикр. Айнан боғчада боланинг дунёқарашини, қизиқишларини ва қобилиятларини шакллана бошлайди. Шу сабабли бу йилдан бошлаб илгор хорижий

тажрибалар, жумладан, Сингапур методикаси асосида мактабга тайёрлов гуруҳлари ва бошлангич синфлар учун ўқув дастурларини бир-бирига мослаштириш, болаларни математика, табиий фанлар ва технологияларга танқидий ва ижодий ёндашишга ўргатадиган дастурлар яратилиши келажақ учун муҳим пойдевор бўлади. Давлат ва хусусий боғча тарбиячиларининг билим ва маҳоратини, психологик тайёргарлигини ошириш мақсадида касбий сертификатлаш тизими жорий этилиши ҳам сифат ошишига хизмат қилади.

Ёшларнинг вақти беҳуда ўтмасин — миллат тараққиётига хизмат қилсин

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш масаласига ҳам катта эътибор берилди. “Баркамол авлод” болалар мактаблари, “Ёшлик” спорт жамияти ва Республика ўқувчи ёшлар марказини бирлаштириб, ягона тизим яратиш, уларни тўлиқ таъмирлаб, энг замонавий ва ижодий йўналишларда жиҳозлаш, хорижий тиллар, сунъий интеллект, дастурлаш ва анимация каби янги тўғараклар очиш — буларнинг барчаси ёшларимизнинг интеллектуал ўсиши, қизиқишларини рўбга чиқариши ва келажақда ўз ўрнини топиши учун кенг йўл очади.

Ўқувчилар ўртасида ички туризмни ривожлантириш, Қорақалпоғистон, Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳридаги “Баркамол авлод” марказларида “Болалар сайёҳлик базалари”ни ташкил этиш ва ҳар йили бир миллион ўқувчини Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга олиб чиқиш топширигини ҳам жуда аҳамиятли. Ёшлар ўз юртининг бой тарихи, гўзал табияти ва маданияти билан яқиндан танишади, бу эса уларнинг қалбидеа ватанга муҳаббат ва миллий гурур туйғуларини янада кучайтиради.

Миллий руҳдаги контент — маънавий ҳимоя воситаси

Болаларни интернетдаги зарарли маълумотлардан асраш борасида кўп ишлар қилинаётганига қарамай, Президентимиз таъкидлаганидек, “зарарли ахборотларга қарши тура оладиган миллий контент яратиш, уларнинг тарғиботи, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш бўйича профессионал ташкилот йўқ” эди. Эндиликда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурида Болалар контентини ривожлантириш маркази тузилиши бу борадаги бўшлиқни тўлдиршига ёрдам беради. Мазкур марказ болалар руҳияти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотларни тахлил қилади, маҳаллий ижодкорларга миллий қадриятларимизга мос контент яратиш учун буюртмалар беради, соҳа учун кадрлар тайёрлайди. Бу ишда Қори Нисёний номидаги илмий-тадқиқот институтининг илмий ёрдам кўрсатиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.


Аммо бу масала фақат битта марказнинг вазифаси бўлиб қолмаслиги, барча тегишли вазирлик ва ташкилотлардан бу ишга ҳиссасини қўиши зарурилиги алоҳида таъкидланди. Юртимиздаги 900 га яқин театр, маданият уйи, концерт заллари, 1,5 мингта яқин спорт иншооти, 200 та оромгоҳ ва 2 мингдан ортиқ сайёҳлик маскани имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, жойлардаги амфитеатр ва сайилгоҳларда ҳар куни маданий тадбирлар, концертлар, санъат кўргазмалари, шеърят кечалари ўтказиш, пойтахтимиздаги Янги Ўзбекистон боғида очиқ осмон остида мусиққўй дастурлар ташкил этиш, спорт соҳасида 6 миллион ёшни қамраб олиш — буларнинг барчаси ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитишга, уларнинг ижодий ва жисмоний имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Назорат ва масъулият ҳар қачонгидан ҳам долзарб

Йиғилишда белгиланган берилган вазифалар ва тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун махсус штаб тузилиши ва бу жараён бевоcита Президент назоратида бўлиши ислохотларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайди. Туман ҳокимларига ҳар ойда мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиқлари, мактаб директорлари ва боғча мудирилари билан учрашиб, муаммоларни жойида ҳал этиш вазифаси юклангани, шунингдек, таълим соҳаси раҳбарларини соҳага оид бўлмаган йиғилишларга жалб этмаслик ҳақидаги қатъий оғоҳлантириш ҳам жойлардаги раҳбарлар масъулиятини ошириб, уларнинг бор эътиборини таълим сифатини яхшилашга қаратишга имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз раислигида ўтган ушбу йиғилиш Ўзбекистон таълим тизимида янги ва янада юксак бир босқичга қадам қўйилаётганидан дарак. Белгиланган вазифаларнинг сидқидилдан бажарилиши, ҳар бир раҳбар ва ҳодимнинг ўз ишига виқдондан ёндашиши, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки янги Ўзбекистон учун муносиб авлодни тарбиялашдек буюк мақсадга эришишда муҳим омил бўлади. Бу йўлда барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фарзандларимизнинг порлоқ келажаги учун бор куч ва гайратимизни аямаслигимиз керак. Зеро, таълимга йўналтирилган ҳар бир самарга эртанги кунимиз, миллатимиз истиқболи учун қўшилган бебаҳо ҳиссадир.

Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Ўзбекистон — Италия: дўстлик алоқалари олийгоҳлар ҳамкорлигини ҳам мустаҳкамламоқда

Айни кунларда мамлакатимизга Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелонининг расмий ташрифи бўлиб ўтмоқда. Кўҳна Самарқанд шаҳридаги бу тарихий учрашув икки давлатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва албатта, таълим соҳаларидаги муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги кунда давлатларимиз ўртасидаги таълим алоқалари янги босқичга кўтарилмоқда. Италия тили йўналиши илк бор Самарқанд давлат чет тиллар институтида “Филология ва тилларни ўқитиш: италян тили” мутахассислиги сифатида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда бу йўналиш институтнинг муҳим ўқув-илмий марказига айланган. Шунингдек, олийгоҳда Италиянинг нуфузли олий таълим муассасалари, хусусан, Сиена хориж-

ликлар университети, Флоренция университети, Ка-Фоскари университети, Наполи шарқшунослик университети, Перуҗа хорижийликлар университети ҳамда Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан алоқалар йўлга қўйилган.

Мазкур олийгоҳлар билан ҳамкорлик профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар алмашинувини таъминлашда яхши самара бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу, ўз навбатида, институтда

илмий-педагогик салоҳият ҳамда таълим сифати ошириш ва қисқа муддатли стажировкаларда қатнашиш имконияти берилмоқда. Бундай ташаббуслар ёшларимизнинг халқроқ миқёсда рақобатбардор бўлишига хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Шунингдек, Наполи шарқшунослик университети билан имзоланган ҳамкорлик шартнома-си доирасида олийгоҳда ҳар йили ёғи мактаблар ташкил қилиниб, унда Италиядан келган талабалар фаол иштирок этмоқда. Бу эса икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш билан бирга маданий алмашинув ва ўзаро англашувини мустаҳкамлайди. Бунда турли италян фильмлари, байрам томошалари, концерт дастурлари, китоб тақдиротлари ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш аънаънага айланган.

2022-2024 йиллар давомида Сиена хорижликлар университетидаги жами 4 нафар италян тили ўқитувчиси малака ошириш курсларида юборилди. 2024 йилга келиб мазкур университет билан ҳамкорликда муассасамизда “CHILS” (Certificazione della conoscenza della Lingua Italiana) халқроқ тил билиш сертификати берадиган тест-имтиҳон тизими жорий этилди. Бугунги кунда Самарқанд давлат чет тиллар институти мамлакатимизда ушбу тест имтиҳонларини ўтказиш бўйича ваколатга эга бўлган ягона марказдир.

Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Италия олий таълим муассасалари ўртасидаги мустаҳкам илмий алоқалар Ўзбекистон — Италия стратегик ҳамкорлигининг ёрқин ифодаси сифатида таълим тизимида ўз аксини топган. Мазкур ҳамкорлик талабаларнинг хорижий тилини ўрганиши билан чегараланиб қолмай, ёш авлодни глобал илм-фан майдонига етакловчи воситага ҳам айланиб бормоқда.

Баҳодир ХОЛИҚОВ, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори



2025 йил 29 май, 108-сон

6

Миллат фидойилари

МАРДЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ, ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Юрт сарҳадлари осойишталигини асраш, дахлсизлигини таъминлаш — мардлар иши. Бу йўлда ҳалок бўлган ватан ўғлонлари — жасур ҳарбийларимизни ёдга олмақ эса барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир. Зеро, мардлар жасорати ҳеч қачон унутилмайди. 2000 йилнинг ёз ойларида бир гуруҳ жангарилар юртимиз чегараларини бузиб, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудларига кирган ва қонли тўқнашувлар юз берган эди. Ўша шафқатсиз жангларда ватанимизнинг кўплаб довжорак, мард йигитлари қатнашди ва айримлари қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ҳалок бўлганлар орасида Сирдарё ўғлони Эломон Отажонов ҳам бор эди.

У 1978 йил 17 сентябрда Сирдарё вилояти Сирдарё туманида туғилган. Беш фарзанднинг тўнғичи эди. Ўзбекистон Қуrolли Кучлари сафида шартнома асосида хизмат бурчини ўтаётган вақтда, яъни 2000 йилнинг 11 август кунин Сурхондарё вилояти Узун туманида бўлган жанговар ҳалокатларда душман ўқидан яраланиб ҳалок бўлган. Катта сержант Эломон Отажонов юрт ҳимояси йўлида кўрсатган мардлиги учун ватонидан сўнг “Жасорат” медали билан мукофотланган.

“Бир армоним бор...”

Яқинда Эломон Отажоновнинг онаси Янглиш опа билан суҳбатлашиш учун Мудофаа вазирлигига қарашли госпиталга бордим. Онахон у ерда соғлигини тиклаётган экан. Янглиш Отажоннова билан Президентимиз 2023 йил март ойида Сурхондарё вилоятида марҳум аскар ва офицерларнинг оила аъзолари, яқинлари билан учрашганидан сўнг опанинг дил сўзларини ёзиб олиш жараёнида танишган эдим. Яқинда у кўнгирик қилиб: “Марҳум ўғлим Эломонжонга тегишли бир армоним бор. Ўзи ўқиган мактабда фарзандимнинг номи берилса, унинг жасорати ёшларга ибрат ва намуна бўлармиди”, деди. Шу кўнгирик сабаб онахоннинг олдига бориб, у билан узок суҳбатлашдим. Янглиш опанинг гапигин чехрасига, маънос кўзларига боқар эканман, ҳеч бир она болам деб бўзлаб қолмасин деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Унинг қалбидаги адоқсиз соғинч, кўнглидаги кетмилик ва яширин изтиробларнинг нуқси кўз қарашларида қотиб қолгандай тасаввур

таълим олган мактабига буюти ўрнатилган. Ўғлим хотирасига бағишлаб турли спорт мусобақалари ва тадбирлар ўтказиб турилади. Бунинг учун миннатдорман. Аммо қани эди, шу ўзи ўқиган мактабига номи ҳам берилса, кўнглимдаги армоним юзгага чиқарди. Илоҳим, юртимизда ҳаммаша тинчлик бўлсин, заминимизга файзу барака ёғилсин!

Эломоннинг отаси Холмурод ака ва онаси Янглиш опа ҳозир нафақада. Икки ўғил ва икки қизни камолга етказиб, ўн неваранинг суюли бобо-бувиси бўлиб, бир-бирига суюниб умргузаронлик қиляпти.

“Мендан хавотир олманглар”

Эломон 1996 йили Сирдарё туманидаги 2-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тамомлаганидан сўнг олий ўқув юртида таҳсилни давом эттириш учун пойтахтга келади. Лекин ўқишга кириш бали етмай, қишлоғига қайтиб кетади. Вақтини бекор ўтказмаслик учун аввал хўжаликда ишлаётган дадасига кўмак бериб, дала юмушлари билан банд бўлади. 1997 йилда эса ота-онасига билдирмай, туман мудофаа ишлари бўлимига бориб,

Қуrolли Кучлар сафига жўнатишларини сўраб ариза ёзади.

Бу хабарни эшитган онаси “Нега болам бизлар билан маслаҳатлашмади?” дея бир оз ранжийди. Лекин турмуш ўртоғи Холмурод ака “Онаси, хафа бўлма, ахир ҳар бир йигит ватани олдидаги йигитлик бурчини ўтати керак. Мен ҳам ўтаганман, кейинроқ укалари ҳам ўтайди, сен қайтага хурсанд бўл, ўз фикрига эга шундай ўғлинг борлигига” деган сўзлар билан аёлини юлатади.

Эломон Отажонов армия сафида бир ярим йиллик хизмат бурчини ўтагач, Қуrolли Кучлар сафида қолишга қарор қилади. Сержантлар тайёрлаш мактабини тугатиш арафасида Мудофаа вазирлигига қарашли махсус бўлимига қабул учун танлов ўтказилади. У бу танловда қатнашди ва юқори натижаларни кўрсатади. 2000 йилнинг ёзида эса таътил олиб, яқинларини кўриш учун уйига қайтади.

— Ўғлим кутилмаганда уйга кириб келганида шошиб қолдим. Уни маҳкам бағримга босиб йиғлаб юбордим. Ўша вақтда отаси иккимизнинг қувончимиз чексиз эди, — дея ҳикоясини давом эттирди Янглиш опа. — Бир-икки кун ўтгач, кўнглини билмоқчи бўлдим. “Сен тенглар уйланиб, фарзандли бўляпти, болам. Кўнгли қўйганинг бўлса, айт, дарров совчиликка борайлик, бўлмаса ўзим сенга мос, қўхлиқкина қизни кўз остига олиб қўйганман”, дедим.

У эса “Онажон, Худо хоҳласа, албатта, тўй қиламиз, олдин олий маълумотли бўлай, кейин ишлаб озорк пул жамғарай. Яхши кунларимиз ҳали олдинда”, деди.

Охириги марта таътилга келганида дадасига “Мен хизмат сафарига кетяман, сизлар билан хабарлаша олмаслигим мумкин, лекин хавотир олманглар, яхшилаб дуо қилиб қўйсангизлар бўлди”, деганди. Ота-она дуоси ҳаммаша ижобат бўлади дейишди. Аммо Яратганнинг ёзғи ҳар недан устун экан...

Баъзан жудаям соғиниб кетаман, кўргим келади. Орадан 25 йил ўтяпти, аммо ўғлимнинг вафотига сира қўнжика олмадим. Вақт даволайди, вақт шифо дейишди. Вақт ўтган сари дардим янгилашиб, унинг сўнгги сўзларини эшити олганим юрагимга оғир бир тош бўлиб ботиб борапти. Бироқ ўз жонини юрти учун бахшида қила олган ботир ўғлим бор деган ўй менга ҳаммаша мадор беради.

Эломоним жуда ёш кетди, атрофга қуёш янгли нур сочиб кетди.

Ўтган йиллар кўнгли ярасига малҳам дейишди. Балки бу бор гапдир. Эломоннинг онаси билан суҳбатлашар эканман, бунга яна бир бор амин бўлдим. Юракни ўртаб, дилни оғир юкдай эзиб турадиган фарзанд доғини ҳеч бир онага кўрсатмасин.


Эломон Отажонов энг навқирон чоғида хизмат вазифасини виждонан бажариб, сўнгги нафасигача ўз бурчига содиқ қолиб, жонини фидо қилган ўзбекнинг бек ўғлони. У каби жасур ўғлонлар ёди халқимиз қалбиди абадийдир, Зеро, мардлар ўлмайди, жасорати эса қалбларда мангу яшайди.

дўстларимнинг ўлими юрагини азоблайверади ва бир ўй мени сергакликка чорлайди. Бу дунёда юртимиз тинчлигини, халқимиз фаровонлигини кўра олмайдиганлар ҳалиям бор. Шунинг учун ҳаммаша ва ҳар доим сергак ҳамда оғоҳ бўлишимиз, она диёримизни кўз қорачиқдай асрашимиз керак!

Асли Андижоннинг машҳур полвонлар сулоласидан бўлган Бобомурод Нуротов ўзи ҳақидаги суҳбатни камтарлик билан кейинга қолдирди:

— Синглим, оловли урушнинг қисматиди изтиробли аччиқ воқеаларини бошқа сафар айтиб берарман...

Элнинг эр ўғлони



Эломон туғилганда отаси Холмурод ака ўғлим эл омонлиги, ободлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилсин, исмига муносоиб фарзанд, суянчимиз бўлсин деб ич-ичидан ниёт қилган экан.

Яқинлари орзу қилгандек йигит бўлиб камолга етган Эломон ҳарбий хизматга кетгунга қадар ота-онасига яқин кўмакчи, рўзгор ишларида камарбаста бўлган. Далада улар билан ёнма-ён меҳнат қилган. Укалари ва сингилларига сирдош, ҳамоячи эди. Туғилган кунига бир ой қолганда эса ўша машъум воқеа содир бўлиб, ўз исмига монанд эл омонлиги ва юрт тинчлиги йўлида ёшгина жонини фидо қилди.

Эломон Отажоновнинг укаси Юсуф Отажонов акасининг шарафли ўлиmidан сўнг ўзининг ҳарбий бўлиш ҳақидаги фикрини қатъий амалга оширди. 2000 йилда у ҳам ҳарбий хизматда эди. “Акангнинг ахволи оғир, тез етиб келишинг керак” деган хабарни эшитган заҳоти минг бир ҳадик ва хавотирда йўлга чиққан Юсуф акасининг мотам маросими устига кириб келади...

Юсуф муддатли ҳарбий хизматини ўтаб бўлгач, акаси ва ўзининг орзусини амалга ошириш истагида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кирди.

Ўқиниш тамомлагач, узок йиллар ватан ҳимояси йўлида фаолият кўрсатди. Бугун эса нафақада. Ота-онаси, оиласи, фарзандлари ва неваралари даврасида акаси Эломон ҳақидаги болалик хотираларини сўзлайди, юрти учун жонини қурбон қилган жасур ўғлоннинг укаси эканидан фахрлиниб яшайди.

Халқ ўз қаҳрамонларини ёдидан чиқармайди!

Мардлар жасорати ҳеч қачон унутилмайди. Чунки юртининг тинчлигини асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш осон иш эмас. Бу йўлда ҳалок бўлган ватан ўғлонлари, жасур ҳарбийларимизни ёдга олмақ инсоний бурчимиздир.

Аслида, бу омонат дунёда одамзоднинг ҳаёти қанча йил яшагани, бойлиги, лавозими билан ўлчанмайди. Инсон учун қанча эмас, қандай умр кўрган, қандай ашагани муҳим. Ўз жонини ватан осойишталиги, эл фаровонлиги йўлида фидо қилган мард инсонлар ҳаёти ибрат қитобининг хотира саҳифаларида муҳрланиб қолади.

Мақолани Президентимизнинг жорий йил май ойида Ғалаба ботида “Миллат фидойилари” ёдгорлигининг очилиш маросимидо айтган сўзлари билан яқунламоқчиман: “Мустақиллик йилларида азиз жонини аямасдан, бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимизни асраш йўлида қаҳрамонлик кўрсатган мард ва жасур фарзандларимизнинг муборак хотираси олдида чин дилдан таъзим қиламан. Такрор ва такрор айтишдан чарчаймаман: биз бундай қаҳрамон ўғлонларимизни ҳеч қачон унутмаймиз. Улар доимо биз билан бирга яшайди. Ватанимизга ҳар томонлама муносоиб қаҳрамон ўғлонларимизга шон-шарафлар бўлсин!”.

Гуличехра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мозий — ҳақиқат тарозиси ЖОНЪЎЗСОЙЛИК ВЕНГЕРЛАР

Давлатимиз раҳбари яқинда расмий ташриф билан Венгрияда бўлиб қайтди. Истиқлол йилларида ўзбек ва венгер халқлари ўртасида нафақат иқтисодий, балки маданий-маърифий алоқалар ҳам кенг ривожлана бошлади. Масалан, ўтган йил октябрда Лакителек шахрида мутафаккир бобомиз, улуг шоир Алишер Навоий буюти очилди. Жорий йилнинг январь ойида Будапештда ўзбек киноси кунлари ўтказилди.

Расмий ташриф чоғида келгуси йилни Ўзбекистон ва Венгрия маданияти йили деб эълон қилиш таклифи билдирилди. Венгрия давлат опера театри саҳнасида “Лазги” балетини саҳналаштириш ва Будапештдаги Этнография музейида Ўзбек маданияти кўргазмасини ўтказишга тайёргарлик кўрилмақда.

Шунингдек, икки мамлакатда тан олинадиган дипломлар бериш тизимини жорий этиш ва мамлакатимизда Венгрия олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Аслида, ўзбек ва венгер халқларининг қардошлик, дўстлик, маданий ва адабий алоқалари қадим замонларга бориб тақалади. Венгер-можар халқининг илдиэлари

туркий улус шажарасидан бошланишини кўпчилик яхши билади. Айниқса, бу икки халқнинг миллий анъана ва қадриятлари, кураш ва кўпқари каби қадимий халқ спорт ўйинлари, мардлик, меҳнатсеварлик, кент-фёэллик, меҳмондўстлик фазилатлари ҳамда миллий қадриятлари, анъаналари бир-бирига яқин.

Қашқадарё вилояти Қамашти тумани Жонбўзсой маҳалласи Гулстон қишлоғида асл келиб чиқishi венгер ёки можарларга бориб тақалувчи бир гуруҳ аҳоли яшайди.

— 1966 йилда уйимизга Венгриядан этнограф олим Тот Кибор келди, — дейди қишлоқдаги 42-умумтаълим мактабининг фахрий ўқитувчиси Худоёр Бойқобилов. — Ўша



йилларда отам Жонкувват бобо жомоа хўжаликда қасир бўлиб ишларди. Олим қишлоқдаги можар уруғига мансуб одамларни излаб келган экан. Уйимиздан унга махсус хона ажратиб бердик.

Олим қарийб бир ой қишлоғимизда яшовчи, ўзларини можар уруғидан деб билувчи хонадон эгалари генофондини таҳлил қилиб, бармоқ изларини олди ва улар билан кўп суҳбатлашди. Олим қайтиб кетгач, “Совет Ўзе-

кистони” газетасида унинг “Ўзбекистонлик венгерлар” деган каттагина мақоласи эълон қилинди.

Мен ўша йилларда мактаб ўқувчиси эдим ва отамдан олимнинг бизникига нега келгани хусусида деярли ҳар кун сўрадим. Отам саволларимга қисқа қилиб, венгерлар аслида мадьярлар деб аталишини, биз билан бир уруғ бўлганини айтиб берганди.

Орадан анча йиллар ўтиб, яъни 2012 йилнинг ёзида қишлоғимизга яна Венгриядан элшунос олим Андрош Бирожий келди. Мен ундан Тот Кибор ҳақида сўрадим. Андрош ўша олим унинг устози эканини, 84 ёшида вафот этганини айтиб берди. Андрош қўшнимиз Худойкул Қурбоновнинг хонадонига яшаб, у ҳам худди устози каби можар уруғига мансуб одамлардан турли таҳлиллар олди, суҳбат қурди. Андрош қайтар чоғида Худойкулга жондан венгерлари қурултойига таклифнома берди. Худойкул Қурбонов ўша йилнинг 5-17 август санасида Венгрияда бўлиб, катта таассуротлар билан қайтиб келди.

— 2022 йилнинг ёзида мени ҳам Венгрияга таклиф қилишди, — дейди нафақадаги ҳайдовчи Эшонкул Жўраев. — Барча харажатлар Венгрия ҳисобидан экан. Бордим ва нақ ўн беш куннинг қандай тез ўтиб кетганини сезмай қолбман. Таассуротларим бир олам. Эҳ, қани эди ёзувчи бўлганимда,



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-546.

36390 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.

Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-ўй

ЎЗА яқуни — 01:38 Тошхирлиди — 01:45